

## ДАРИЙ ТИЛИДА گر -GAR, گار -GÂR, کار -KÂR ШАХС ОТИ ЯСОВЧИЛАРИНИНГ СЎЗ ЯСАШ ИМКОНИАТИ

Холида Зикриллаевна АЛИМОВА

Филология фанлари доктори, профессор в.б.

Эрон-афгон филологияси кафедраси

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Тошкент, Ўзбекистон

## СЛОВООБРАЗОВАТЕЛЬНЫЕ ВОЗМОЖНОСТИ СУФФИКСОВ ИМЕНИ ДЕЯТЕЛЯ گر -GAR, گار -GÂR, کار -KÂR В ЯЗЫКЕ ДАРИ

Холида Зикриллаевна АЛИМОВА

Доктор филологических наук, и.о. профессора

Кафедра ирано-афганской филологии

Ташкентский государственный университет востоковедения

Ташкент, Узбекистан

## THE WORD-FORMATION POTENTIAL OF THE SUFFIXES OF THE AGENT NOUN گر -GAR, گار -GÂR, کار -KÂR IN THE DARI LANGUAGE

Kholida Zikrillaevna ALIMOVA

Doctor of Philological Sciences, Associate professor

Department of Iran-Afghan Philology

Tashkent State University of Oriental Studies

Tashkent, Uzbekistan [xolidaxon66@mail.ru](mailto:xolidaxon66@mail.ru)

UDC (УЎК, УДК): 81-23.: 372.8.

### For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):

Алимова Х.З. Дарий тилида گر -gar, گار -gâr, کار -kâr шахс оти ясовчиларининг сўз ясаш имконияти // Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2021. — № 5 (40). — Б. 37-55.

<https://doi.org/10.36078/1638773821>

**Received:** August 08, 2021

**Accepted:** October 17, 2021

**Published:** October 20, 2021

Copyright © 2021 by author(s).

This work is licensed under the Creative Commons Attribution International License (CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



Open Access

**Аннотация.** Дарий тилида бошқа турдаги от ясовчиларга нисбатан шахс оти ясовчиларнинг микдори кўп: گر -gar, گار -gâr, کار -kâr, چی -ci, بان -bân / وان -wân, والا -wâlâ, نده -enda, ی -i, آر -âr суффикслари. Булардан چی -ci туркий ва والا -wâlâ ҳиндий тилларидан ўзлашган. آر -âr суффикси эса ҳозирги дарий тилида маҳсулсиз ясовчи. Келтирилган ясовчиларнинг ҳар бири маъноси, қўлланиши ва бошқа хусусиятлари билан бошқаларидан фаркланади. گر -gar, گار -gâr, کار -kâr суффикслари этимологик жиҳатдан бир бўлса-да, ҳозирги дарий тили сўз ясалишида маҳсулдорлик даражаси ҳар хил ва уларнинг ишлатилишида айрим фарқлар кузатилади. Бир типдаги сўзларни ясаш учун бирдан ортиқ сўз ясовчининг бўлиши уларнинг қўлланилиши (сўз ясаши)да чекланиш бўлишига олиб келади. Чунки уларнинг ҳар бири ўзига хос белгига эга ва бирининг ўрнида иккинчисини қўллаш мумкин бўлавермайди. Ясама шахс отларида сўз ясалиш асоси ва сўз ясовчининг ҳолатини аниқ белгилаш шу қисмлар моҳияти, шу типдаги отлар ясалишидаги чекланиш сабабини ёритиш имконини беради. Мақолада گر -gar, گار -gâr, کار -kâr суффикслари иштирокида шахс оти ясалишидаги маҳсулли / маҳсулсизлик, сермахсул / каммахсуллик, буларнинг сабаб ва қонуниятлари сўз ясалиш имконияти билан боғлиқлиги ўрганилди.

**Калит сўзлар:** аффиксация; шахс оти ясалиши; маҳсулли / маҳсулсизлик; сермаҳсул / каммаҳсуллик; сўз ясалиши имконияти.

**Аннотация.** В языке дари суффиксы, образующие существительные со значением лица, производящего какое-либо действие, являются многочисленными относительно других видов словообразующих: گر -*gar*, گار -*gâr*, کار -*kâr*, چی -*ċi*, بان -*bân* / وان -*wân*, والا -*wâlâ*, نده -*enda*, ی -*i*, آر -*âr*. Из них суффикс چی -*ċi* заимствован из тюркского, а суффикс والا -*wâlâ* — из языка хинди. В современном языке дари суффикс آر -*âr* считается непродуктивным. Приведенные суффиксы отличаются друг от друга по значению, применению и другим особенностям. Несмотря на то что суффиксы گر -*gar*, گار -*gâr*, کار -*kâr* и считаются этимологически одинаковыми, тем не менее степень их продуктивности и возможности использования в словообразовании современного языка дари различна. При образовании слов одного типа наличие более одного словообразующего суффикса приводит к органичению их использования в словообразовании, так как каждый из них обладает своими свойствами и не всегда возможна их взаимозаменяемость. Четкое определение в производных именах деятеля положений словообразовательной основы и словообразующего аффикса позволит уточнить ограниченность возможностей словообразования данного типа. В статье изучены продуктивность / непродуктивность, высокопродуктивность/малопродуктивность словообразования имен деятелей с участием суффиксов گر -*gar*, گار -*gâr*, کار -*kâr*, связь словообразовательных возможностей с их причинами и закономерностями.

**Ключевые слова:** аффиксация; словообразование имен деятеля; продуктивность/непродуктивность; высокопродуктивность/малопродуктивность; словообразовательная возможность.

**Abstract.** Suffixes forming nouns with the meaning of a person which produce an action (گر -*gar*, گار -*gâr*, کار -*kâr*, چی -*ċi*, بان -*bân* / وان -*wân*, والا -*wâlâ*, نده -*enda*, ی -*i*, آر -*âr*) are more than any other type of word-forming suffixes in Dari. Among them, the suffix چی -*ċi* is borrowed from Turkic and the suffix والا -*wâlâ* — from Hindi. In modern Dari, the suffix آر -*âr* is considered unproductive. The given suffixes differ from each other in meaning, usage, and other features. Although the suffixes گر -*gar*, گار -*gâr*, کار -*kâr* are considered etymologically the same, their degree of productivity and possibility of use in word-formation of modern Dari language is different. When forming words of the same type, the presence of more than one word-forming suffix leads to a limitation of their use in word-formation, as each of them has its properties and their interchangeability is not always possible. A clear definition of the positions of word-forming base and word-forming affix in derivative agent nouns determines the limited possibilities of word-formation of this type. The article studies the productivity / non-productivity, high productivity / low productivity of word-formation of agent nouns with the suffixes گر -*gar*, گار -*gâr*, کار -*kâr*, the relationship of word-formation possibilities with the reasons and regularities.

**Keywords:** affixation, word-formation of agent nouns; productivity / non-productivity; high productivity / low productivity; the possibility of word-formation.

**Кириш.** Ижтимоий-сиёсий ҳаётда, фан ва техникада содир бўлаётган туб ўзгаришлар лексиканинг бошқа қатламлари қатори касб-кор эгалари номларининг ҳам миқдор жиҳатдан ортишига олиб келмоқда. Бу ҳол шахс отларининг ясалиш доирасини кенгайтирмоқда ва турли хил аффикслар маҳсулдорлигини таъминламоқда.

Маълумки, шахс отлари морфологик тузилиши ва семантик хусусияти жиҳатдан ўзаро фарқланадиган икки гуруҳга ажралади: 1) шахснинг бирор касб-хунар эгаси эканлигини ифодалайдиган шахс отлари; 2) шахснинг касб-хунарини билдирмайдиган шахс отлари. Шу ўринда рус тилшунослигида “имя деятеля” (ингл. agent noun) ва “имя лица” (ингл. personal name) терминлари фарқланишини, ўзбек тилида “шахс оти” ёки “шахс номи” терминлари аралаш ишлатилишини таъкидлаш жоиз. Айни вақтда мақолада ҳар икки ҳолат учун “шахс оти” термини қўлланилмоқда.

Дарий тилида گر -*gar*, گار -*gâr*, کار -*kâr*, چی -*çî*, بان -*bân* / وان -*wân*, والا -*wâlâ*, نده -*enda*, ی -*i*, ار -*âr* суффикслари шахс оти ясовчилар саналади. Булардан چی -*çî* туркий ва والا -*wâlâ* ҳиндий тилларидан ўзлашган. ار -*âr* суффикси эса ҳозирги дарий тилида маҳсулсиз ясовчи.

Дарий тилида бошқа турдаги от ясовчиларга нисбатан шахс оти ясовчиларнинг миқдори кўп. Буларнинг ҳар бири маъноси, қўлланиши ва бошқа хусусиятлари билан бошқаларидан фарқланади.

Ҳаётда иш-машғулотнинг соҳа ва турлари кўп. Буларнинг ҳар бири сўз билан ифодаланади. Улардан ясалган шахс отлари эса маълум умумийлик ва хусусийликларга эга бўлади. Шахс отлари ясалиши таҳлилида улардаги умумийлик ва хусусийликларни белгилаш, шу асосда ясама шахс отларининг типларини аниқлаш, шахс отларининг ясалиш тизимини ёритиш керак бўлади.

Ясама шахс отларига хос умумийлик ва хусусийликлар уларнинг таркибий қисмлари, яъни сўз ясалиш асоси ва сўз ясовчининг маъно хусусияти асосида воқеланади. Бунда улардан ҳар бири (сўз ясалиш асоси ва сўз ясовчи)нинг роли, яъни ясама сўз маъносининг, шунингдек, сўз ясалиш маъносининг шаклланишида қўшадиган ҳиссаси бир хил эмас. Ясама шахс отларида сўз ясалиш асоси ва сўз ясовчининг ҳолатини аниқ белгилаш шу қисмлар моҳияти, шу типдаги отлар ясалишидаги чекланиш сабабини ёритиш имконини беради.

Сўз ясалиш асоси сифатида лексема лисоний бирлик саналади. У туб ёки ясама сўз, ҳаттоки қўшма сўз, дарий тилида эса сўз бирикмасига ҳам тенг бўлиши мумкин (ўзбек тилида сўз бирикмаси сўз ясалиш асоси бўла олмайди (10, 20)). Лекин айни ясама сўз таркибида у ажралмас бутунлик (сўз ясалиш бирлиги) мавқеида бўлади. Сўз ясалиш жараёнида умуман шу луғавий бирликдан эмас, балки унинг муайян маъноси ёки маъноларидан сўз ясалади.

“Сўз ясовчи” деганда, сўз ясалиш асосига нисбатан олиниб, унга қўшиладиган ва ясама сўзни ҳосил қиладиган компонент тушунилади. Ҳар қандай ясама сўзда сўз ясалиш асоси битта бўлганидек, сўз ясовчи ҳам битта бўлади. Сўз ясовчи ҳам янги сўз ясалишида ўз маъноси билан қатнашади. Унинг маъноси сўз ясалиш асосининг маъносига нисбатан умумийроқ характерга эга, бироқ унда муайянлик (конкретлик) ҳам бўлади. Масалан, چی -*çî* ясовчисининг “шахс” маъносига эгаллиги (шахс ифодалаши)нинг

ўзиёқ ундаги муайянликдир. Шунинг учун ҳам у умуман от эмас, балки шахс оти ясайди. Бу ҳол *چی -čī* сўз ясовчисининг сўз яшаш имкониятини чегаралайди. Мақолада *گر -gar, گار -gâr, کار -kâr* суффикслари иштирокида шахс оти ясалиши ва буларнинг сўз яшаш имконияти ўрганилган.

#### Асосий қисм. گر -gar суффикси

*گر -gar* суффикси шахс оти ясовчилар орасида энг қадимий ва маҳсулдор саналади. Классик форс тилига оид тадқиқотларда *-gar, -gâr* нинг келиб чиқиши эроний боботилдаги *\*-kara-, \*-kâra-* (*kar-: kâr-* ‘қилмоқ’)га бориб тақалиши схематик тарзда ёритиб берилган (3, 212). Шунингдек, *-kâr* суффикси *-gar, -gâr* нинг янги форс тили даврида қайта ҳосил қилинган варианты деб баҳоланади ва ҳозирги форс, дарий, тожик тилларида *-gar* га нисбатан маҳсулдорлиги таъкидланади (3, 212-213). Ўрта форс тили даврига оид манбаларда бу суффикслар *-gar* (бошланғич *-kar*) ва *-gâr* (бошланғич *-kâr*) тарзида алоҳида тавсиф қилинади (4, 72). *-gar/-kar* суффикси исмий сўз туркумларидан шахсга оид исмлар (сифат ва от) ясаган: *âmârgar < hamârgar* ‘молия ходими (ҳисобчи)’; *reğôzgar* ‘ғолиб’; *çêlângar* ‘қилич, шамшир ясовчи уста’ (қиёсланг: ҳозирги форс тилида *çelengar* ‘слесарь’ (5, 475); ‘чилангар’, ‘майда металл буюмлар (*қулф, калит, занжир, мих* каби) ясовчи уста’ (38, 568); тожик тилида *çelongar* ‘слесарь’; дарий тилида *چلنگر çelengar = آهانگر âhangar* ‘темирчи’ (15, 508)); *zagr(i)gar* ‘заргар’ (қадимги форс тилида *dâraniyakara-* ‘заргар’, *zûrakara-* ёмонлик қилувчи). *-gâr/-kâr* суффикси исмий сўз туркумлари ва феъл негизларидан: *ziyângâr* ‘зараркунанда’; *hammôzgâr* ‘ўқитувчи’; *vinâhgâr* (бошланғич *vinâskâr*) ‘гуноҳкор’; оломшдан: *x(v)êškâr* ‘итоаткор’ асосан шахс отлари ясаган (4, 72). Келтирилган суффикслар этимологик жиҳатдан бир бўлса-да, ҳозирги дарий тилида уларнинг сўз яшаш имконияти ҳар хил. Масалан, *-kar* суффикси қадимий ва ўрта форс тилларида учрайди. Янги форс тили даврида унинг иштирокида сўз ясалиши қайд қилинмаган. Т.Д. Чхеидзенинг кўрсатишича, *-kâr>-gâr* вариантлари унли ва *r, n* ундош товушларидан сўнг қўлланилган (8, 19).

Шахс отларининг маъно таркибида “машғулот” семаси мавжуд. *گر -gar* сўз ясовчиси бундай семага эга эмас, у *گر -gar* суффикси қўшиладиган сўзга, яъни сўз ясалиш асосига оид бўлади. Шунинг учун ҳам *گر -gar* суффикси ёрдамида шахс отларининг қандай типлари ясалиши уларнинг қандай лексик-семантик гуруҳга оид отлардан ясалишига боғлиқ бўлади, *گر -gar* суффикси уларнинг ҳаммасида “шахс” маъноси билан қатнашади.

Ҳозирги дарий тили материалларининг кўрсатишича, *گر -gar* суффикси билан қуйидаги типдаги шахс отлари ясалади:

1. Касб-хунар, машғулотнинг умумий номини билдирувчи сўзга қўшилганда, шахснинг асосдан англашилган соҳага мансублигини билдиради: *کاسبگر kasbgar* ‘хунарманд’, ‘косиб’ (*کاسب kasb* ‘касб-хунар’), *سوداگر sawdâgar* ‘савдогар’ (*سودا sawdâ* ‘савдо’).

2. Иш-фаолиятнинг конкрет бир соҳасини англатадиган сўзларга қўшилганда, шу соҳага мансуб (шу соҳада ишловчи, фаолияти шу соҳага оид бўлган) шахсни билдирувчи от ясайди: *کیمی‌آگار kimyâgar* ‘кимёгар’ (*کیمیا kimyâ* ‘кимё’).

3. Сўз ясалиш асоси (кейинги ўринларда — асос)дан англашилган нарсага оид иш билан шуғулланадиган ёки шу нарсадан бирор буюм ясовчи шахсни билдиради: *آهانگر âhangar* ‘темирчи’ (*آهان âhan* ‘темир’), *چرمگر çarmgar* ‘кўнчи’ (*چرم çarm*

‘чарм’, ‘тери’), زرگر *zargar* ‘заргар’ (زر *zar* ‘зар’), درودگر *dorudgar* ‘дурадгор’ (درد *dorud* ‘ёғоч-тахта’).

4. Асосдан англашилган ишни қилувчи шахс оти ясайди: صيفلگر *sayqalgar* ‘сайқал берувчи’ (صيفل *sayqal* ‘сайқаллаш’, ‘силлиқлаш’), چاپگر *čâpgar* ‘матбаачи’ (چاپ *čâp* ‘нашр қилиш’), جادوگر *čâpigar* ‘массажист’ (چاپی *čâpi* ‘укалалаш’, ‘массаж’), افسونگر *jâdugar* ‘жодугар’, ‘сеҳргар’ (جادو *jâdu* ‘жоду’, ‘сеҳр’), دعواگر *afsungar* ‘афсунгар’ (افسون *afsun* ‘сеҳр-жоду’), دا'وآگر *da'wâgar* ‘даъвогар’ (دعا *da'wâ* ‘даъво’).

Мазкур типга айрим феълларнинг негизи, ҳаракат номи ва отлашган сифатдош шаклларида ясалган шахс отлари ҳам киради: دروگر *darawgar* ‘ўроқчи’ (درو *daraw* — درويدن *darawidan* ‘ўроқ’ феълнинг ҳозирги замон негизи (ҲЗН), ريخته گر *rêxtagar* ‘куювчи’, ‘металл эритувчи’ (موتاخاسس *rêxta* ‘қуйма’ (айнан: ‘қуйилган’) — ريختن *rêxtan* ‘қуймоқ’, ‘тўкмоқ’; ‘қуйилмоқ’, ‘тўкилмоқ’ феълнинг ўтган замон сифатдоши (ЎЗС) отлашуви).

5. Асосдан англашилган маъно билан боғлиқ ҳолда шахснинг характеридаги салбий хусусиятларни ифодалайди: اغواگر *fetnagar* ‘фитначи’, ‘ғаламис’ (فتنه *fetna* ‘фитна’), عيواگر *eğwâgar* ‘иғвогар’ (اغوا *eğwâ* ‘иғво’), حيله گر *hilagar* ‘хийлагар’ (حيله *hila* ‘хийла’), خوش آمدگر *xôšâmadgar* ‘хушомадгўй’, ‘лаганбардор’ (خوش آمد *xôšâmad* ‘хушомад’), ستماگر *setamgar* ‘золим’, ‘ситамгар’ (ستم *setam* ‘зулм’, ‘ситам’), بيدادگر *bêdâdgar* ‘золим ҳукмдор’, ‘мустабид ҳоким’ (بيداد *bêdâd* ‘адолатсизлик’, ‘ноҳақлик’).

6. Асосдан англашилган иш-ҳаракат, фаолиятда иштирокчи шахс маъносидаги от ясайди: استعمارگر *este'mârgar* ‘мустамлакачи’ (استعمار *este'mâr* ‘мустамлака’), استثمارگر *estemârgar* ‘эксплуататор’ (استثمار *estemâr* ‘эксплуатация’), غارتگر *ğaratgar* ‘боскинчи’, ‘талончи’, ‘ўғри’ (غارت *ğarat* ‘боскинчилик’, ‘талон-тарож’), اشغالگر *eşğâlgar* ‘истилочи’, ‘боскинчи’ (اشغال *eşğâl* ‘истило’, ‘босиб олиш’).

7. Асосдан англашилган нарсани юзага келтирувчи, етиштирувчи, ясовчи шахсни билдирадиган от ясайди: بزرگر *bazrgar* ‘ғаллакор’, ‘ғалла етиштирувчи’ (دهقون *bazr* ‘дон’, ‘уруғ’), کفشگر *kafşgar* ‘пойабзалчи’ (کفش *kafş* ‘пойабзал’).

8. Асосдан англашилган турли меҳнат қуроли отларидан шу нарса-предмет билан иш кўрувчи шахс оти ясайди: دمگر *damgar* ‘боскончи’ (темирчиликда) (دم *dam* ‘дам’, ‘боскон’), چرخگر *čarxgar* ‘чархчи’ (چرخ *čarx* ‘чарх’).

Тадқиқот жараёнида сўз ясашиш асоси ўзлашма шахс отларидан иборат бўлганда, одатда, ортиқчалик (плеоназм) ҳодисаси кузатилди (бошқа ясама сўзларда ҳам; булар ўз ўрнида изоҳланади). Масалан, қуйидаги мисолда хиндий тилидан ўзлашган بنيه *banya* ‘баққол’ сўзи گر *banyagar* шаклида ишлатилган:

ديگر از بنيه گر پيشانی ترش نمی ترسيد، زیرا عن قريب قروض وی را

می پرداخت (37, 183)

*Digar az banyagar-e pêşânitorš namêtarsid, zêrâ anqariyb qoruz-e way râ mêpardâxt*

‘Энди бадқовок баққолдан қўркмасди, чунки қарзини дарров тўларди’.

Қиёсланг:

انصاف نباشد به دل بنيه و قصاب — پيشه وری را که ببینی شده جلاب (32,

206)

*Ensâf nabâšad ba del-e banya-wo qassâb — pêšawarê râ ke bebini šoda jallâb*

‘Баққол ва қассобда инсоф йўқ, қайси дўқондорга қарасанг — даллол’.

Мирзо Бедилнинг қуйидаги ғазалида араб тилидан ўзлашган шахс оти — واعظ *wâ‘ez* ‘ваъзхон’, ‘воиз’; ‘хатиб’ сўзининг *گر* *gar* суффикси билан боғлиқ ортикчаллик ҳодисасига хос тарихий лингвистик жараённи кўрсатади:

به ارشاد ادب در دستگاه خود سران مگذر

دهل ناپسته بر لب در صف واعظ گران مگذر (غزليات 697) (11)

*Ba eršâd-e adab dar dastgâh-e xôdsarân magozar*

*Dohol nâbasta bar lab dar saf-e wâ‘ezgarân magozar*

‘Одоб-ахлоқ ўгитларида ўзбошимчалик қилма,

Лабингга ноғора тутмай (яъни сукут сақлаб), ваъзхонлар сафида турма (яъни тез ўтиб кет)’.

Баъзан ортикчаллик эмас, янги маъно ясалиши ҳам кузатилади:

به ناحق خجالت می‌کشید آقای رهنورد زریاب. حتماً آنان نیز «خوب» بودند حتی

«خوب» تر از سگهای زنجیری پرچی و خلقی خود که پانزده سال تمام به ساز شان رقصیدید و مشاطهگر هر خیانت و جنایت شان بودید (24)

*Ba nâhaq xejâlat mêkašêd, âqâ-ye Rahnavard Zaryâb. Hatman ânân niz xub budand, hat(t)â xubtar az saghâ-ye zanjiri-ye Parčami wa Xalqi-ye xôd ke pânzdah sâl-e tamâm ba sâzešân raqsidêd wa maššâtagar-e har xiyânat wa jenâyatešân budêd*

‘Бекорга хижолат бўляпсиз, жаноб Раҳнавард Зарёб. Улар ҳам албатта “яхши” эдилар. Ҳатто “Парчам” ва “Халқ”нинг содиқ итларидан ҳам “яхши”роқдирки, ўн беш йил давомида уларнинг ноғорасига ўйнаб, ҳар бир хиёнат ва жиноятнинг “пардозчиси” бўлдингиз’.

*مشاطه* *maššâta* араб тилидан ўзлашган шахс оти; луғатларда ‘аёллар соч турмаги, пардози, кийими билан шуғулланувчи аёл’ (15, 365; 5, 512) маъносида қайд этилади: حاجت مشاطه نيست زلف دلارام: عنایت الله شهرانی. ضرب المثلهای دری افغانستان. — کلگری، 1998. — ( را *Hâjat-e maššâta nêst zolf-e delârâm-râ* ‘Соҳибжамол зулфига машшотанинг хожати йўқ’. Бироқ юқоридаги жумлада касб-хунар эгаси маъносида эмас, кўчма маънода қўлланилган. Қолаверса, контекстга кўра гапда эркак киши ҳақида сўз боради (машшоталик эса аёл кишининг касби саналади). *گر* - *gar* суффиксининг орттирилишини янги тушунчани ифодалаши билан изоҳлаш мумкин. Ясалмадан *ی* *-i* суффикси (*ی* *ya-ye* *masdari*) орқали мавҳум от ясалиши ҳам учради:

... «خبرخواهی مردم افغانستان یا مشاطهگری رژيم ايران» ... (24)

... “*Xayrxâhi-ye mardom-e Afğânestân yâ maššâtagari-ye reżim-e Irân*”...

‘...“Афғонистон халқининг хайрихоҳлиги ёхуд Эрон режимининг кўзбўямачилиги”...’.

Қуйида келтириляётган мисоллардаги *گر* *gar* суффикси иштирокидаги ясама сўзлар дарий тили луғатларида қайд этилмаган:

آن روز ها هنوز خالق و آفرینشگر اثر را نمی شناختیم تا این که آب ها از آسیاب ها افتادند و نقاب ها از صورت ها و بسیار چیزهای دیگر نیز آفتابی شد و از آن به بعد، دانستیم که سپوزمی زریاب دختر عبدالروف پنجشیری می باشد (27)

*Ân rôzhâ hanuz xâleq wa âfarinešgar-e asar-râ namêšenâxtêm tâ inke âbhâ az âsyâbhâ oftâdand wa neqâbhâ az surathâ wa besyâr*

*čizhâ-ye digar niz âftâbi šod wa az ân ba ba'd dânestêm ke Spožmey Zaryâb doxtar-e Âbdolra'uf Panjširi mêbâšad*

‘Ўша кезларда, то сувлар тегирмондан қуйилиб, ниқоблар юздан ечилиб, кўп нарсалар ойдинлашгунча, хали асар иждодкорини танимасдик. Кейин эса маълум бўлдики, Спужмай Зарёб Абдулрауф Панжширийнинг қизи экан’;

منتقد ما نقد معیاری را یاد ندارد

آفرینشگر ما نقدپذیری را نیاموخته است (31)

*Montaqed-e mâ naqd-e me 'yâri-râ yâd nadârad*

*Âfarinešgar-e mâ naqdpaziri-râ nayâmôxta ast*

‘Бизнинг танқидчи танқид маромини билмайди,

Иждодкоримиз танқид қабул қилишни ўрганмаган’.

Луғатларда *âfarineš* ‘яратиш, бунёдга келтириш; яратилиш, бунёд қилиш’ (13, 25; 2, 55; 5, 105) маъносида қайд қилинади (*âfaridan* ‘яратмоқ’, ‘бунёд қилмоқ’ феълнинг ХЗН *âfarin* + *-eš* суффикси орқали ясалган ҳаракат-ҳолат оти). *âfarida* ‘афрیده’ (*âfaridan* феълнинг ЎЗС *âfaridagâr* + *gâr* шахс оти ясовчи суффикси) ‘парвардигор’ (худонинг эпитетларидан бири)дан фарқли *âfarinešgar* ‘яратувчи’ инсондир.

کدام «موضعگیری»؟ همان «موضعگیری» که موجب شد کدام روزی و ساعتی

توسط شکنجهگران احضار شوید یا روی پلچرخی را ببینید؟ (24)

*Kodâm mawze 'giri? Hamân mawze 'giri ke mawjeb šod kodâm rôzê wa sâatê tawassot-e šekanjagarân ehzâr šawêd yâ rôy-e Polčarxiy-râ bebinêd?*

‘Қайси “позиция”? Бирор кун, бирор соатда қийноққа солувчилар орқали чақирилишингизга ёки Пуличархийнинг афт-ангорини кўришингизга сабабчи ўша “позиция”ми?’

«افغان قاموس» ва форсий луғатларда *šekanja* 1) ‘қийноқ’, ‘азоб’, ‘исканжа’; 2) ‘азоб-уқубат’, ‘озор’ (14, 361; 5, 110) маъноларида қайд қилинган. Бироқ “Дари-русский словарь”да кўрсатилган маънолар *šekanja* сўзининг маънолари ичида охирида берилди, яъни 1) ‘муковалаш пресси’, 2) *tex.* ‘қисқич’; ‘гира’, ‘тахтакач’, 3) *tar.* ‘кишан’, 4) ‘қийноқ’, ‘азоб’ (2, 484). Бунда сўзнинг ҳозирги адабий тилдаги асосий маъноси биринчи ўринга кўйилган, қолган маънолари қўлланилиш частотасига қараб жойлаштирилган. Демак, сўзнинг охириги ўринда берилган дастлабки маъноси асосида *šekanjagar* сўзи ясалган. Ясалма янги тушунча атамаси эмас, албатта. Чунки дарий тилининг хусусиятларидан келиб чиқиб, бу маънода *šekanjadehanda* ёки унинг бирор синоними қўлланилганлигига шубҳа йўқ. Юқорида ва қуйида келтирилаётган ясалмалар дарий тилининг ҳозирги тараққиётида *-gar* суффиксининг турли шахс отини ифодалаши унинг сўз яшаш имконияти юқорилигини кўрсатади:

ولی این تحلیل خیلی ضعیف بوده و جستجوگران ایرانی به گونه‌ء خواسته اند تا

از نفوذ زبان دری در دربار هخامنشیان فارس انکار کنند (26)

*Wale in tahlil xeyli za 'if buda wa jostojoğarân-e irâni ba guna-ê xâstaand tâ az nofuz-e zabân-e dari dar darbâr-e Haxâmanešiyân-e fârs enkâr konand*

‘Лекин бу таҳлил ниҳоятда саёз бўлиб, эронлик изланувчилар шу тариқа Форс Аҳмонийлар саройидаги дарий тили нуфузини инкор қилмоқчи бўлганлар’;

این موضوع را به صراحت به همه دانشمندان و ادیبان افغانستان، ایران و

تاجکستان یاددهانی و تذکر میدهم تا درمقالات و نوشته های تحقیقی خویش یکبار

دیگر جستجوگر واقعیتهای تاریخی زبان دری و دیگر زبانهای ماحولش شوند  
(26)

*In mawzu ‘-râ ba sarâhat ba hama-ye dânešmandân wa adibân-e Afğânestân, Irân wa Tâjikestân yâddehâni wa tazakkor mêdeham tâ dar maqâlât wa naweštahâ-ye tahqîqî-ye xêš yakbâr-e digar jostojoğar-e wâqe ‘iyathâ-ye târixî-ye zabân-e dari wa digar zabânâ-ye mâhawlaš šawand*

‘Бу мавзуни очик-ойдин Афғонистон, Эрон ва Тоҷикистоннинг барча олимлари ҳамда адибларига эслатиб ўтаман, токи ўз мақола ва тадқиқот ишларида яна бир бор дарий тили ва унга яқин (қариндош) бошқа тилларнинг тарихий воқеликлари изланувчиси бўлсинлар’;

و... محققین و جستجوگر ان ادبیات کشور ما مکلف اند... (26)

*...wa mohaqqeqin wa jostojoğarân-e adabiyât-e kešwar-e mâ tokallafand...*

‘...ва мамлакатимизнинг адабий тадқиқотчилари ва изланувчилари бурчлидирлар...’.

گر -gar суффикси билан ясалган шахс отлари ўз лексик-семантик хусусиятларига кўра бир-биридан фарқ қилиши маълум. Баъзи шахс отлари ёлғиз келганда отга, аниқловчили бирикмаларда эса сифатга мойил бўлади:

گذار از «فرهنگ تقلید» به «فرهنگ تفکر»، از طریق برانگیختن و پرورش  
تفکر انتقادی، پرسشگر، جستجوگر و آفرینشگر، میسر شده می تواند (36)

*Gozâr az “farhang-e taqlid” ba “farhang-e tafakkor”, az tariq-e bar-angixtan wa parwareš-e tafakkor-e enteğâdi, porsešgar, jostojoğar wa âfarinešgar, moyassar šoda mêtawânad”*

“Тақлид маданияти”дан “тафаккур маданияти”га танқидий, тадқиқотчи, изланувчан ҳамда ижодкор тафаккурни уйғотиш ва тарбиялаш орқали эришса бўлади’;

محمدحسین محمدی، این چهره اندیشه گر و پرکار را بیگمان، همه فرهنگیان  
و ادبیات-دوستان کشور میشناسند (21)

*Mohammad Hosayn Mohammadi, in çehra-ye andêšagar wa porkâr-râ bêgomân, hama-ye farhangiyân wa adabiyâtdôstân-e kešwar mêšenâsand*

‘Муҳаммад Ҳусайн Муҳаммадий, бу мутафаккир ва серғайрат сиймони мамлакатнинг барча маданият ходимлари ва адабиётсеварлари шак-шубҳасиз танийдилар’.

Тадқиқот жараёнида гар -gar суффикси ёрдамида сифат ясалиши ҳам кузатилди (айни дамда мисоллардаги персешгар porsešgar ва андêšagar — янги ясама сўзлар ҳам аниқловчи вазифасида келган). Бироқ бундай сифатлар шахс белгисини билдиради (tawângar ‘бадавлат’, ‘бой’ каби). Предмет белгисини билдирадиган сифатлар жуда кам (1 та мисол учради: jelwagar ‘жилвали’). Маълумки, туркий тилларда шахс оти ясовчиларнинг ҳам от, ҳам сифат ясаши баён қилинади. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, булар иштирокидаги ясама сўзлар предметни (шахс отларини) эмас, предметнинг белгисини англатиб, сифатловчи-сифатланмиш муносабатини ҳосил қилган. Демак, отдан от эмас, отдан сифат ясалган. Бундай ясама сифатлар отлашгандагина, юқорида кўриб ўтилган белгиларга эга бўлган шахсни англатади (7, 39-41). Қолаверса, “туркий ва мўғул тилларининг муайян пайтлардаги ривожда бу аффикс (-чи назарда тутилмоқда — А.Х.) ёрдамида бирор одатга, бирор нарсага мойиллик маъноларини ифодаловчи сифатлар ясалган... . Кейинчалик, бу тилларнинг ривожланиш жараёнида у сифат



ясовчи аффикс доирасидан от ясовчи аффиксга ўтказилганки, бунда маълум даражада унинг маъноси қайта англанилган ва касб номларини ифодалаш учун фойдаланилган” (1, 59). Албатта, келтирилган фикр-мулоҳазалар туркий тилларга оид. Шу ўринда А.А. Потебнянинг куйидаги сўзларини келтириш мақсадга мувофиқ: “Қатор суффикслар фарқланавермай ҳам от, ҳам сифат ясайверади; канчалик ўтмиш сари борилаверса, шунчалик бу туркумлар ўртасида ўхшашлик пайдо бўлаверади” (6, 56).

Хусрав Кашоний форс тилида *нарса-буюм оти* + گر *-gar суффикси* модели асосида асосдан англашилган нарсага оид иш билан шуғулланадиган шахс оти ясашиши типини келтиради (юқорида келтирилган дарий тилидаги 3- тип):

أهن *âhan* ‘темир’ → آهنگر *âhangar* ‘темирчи’, كوزه *kuze* ‘кўза’ → كوزه گر *kuzegar* ‘кўзагар’, سفال *safâl* ‘сопол’ → سفالگر *safâlgar* ‘кулол’, مس *mes* ‘мис’ → مسگر *mesgar* ‘мисгар’.

Муаллифнинг ёзишича, форсий луғатларда бундай тип ясама сўзлар кўп микдорда қайд этилганига карамай, ҳозирги кунда бу сўз ясашиши типини каммаҳсул: گر *-gar* суффикси ўрнига бошқа ясовчилар, хусусан, ясалма маъносига аниқлик киритиш мақсадида феълий яримаффикслардан кенг фойдаланилмоқда:

زرگر *zargar* → طلا ساز *talāsāz*, جواهر فروش *javāherforūš*, جواهر ساز *javāhersāz*, جواهر فروش *javāherforūš* ‘заргар’ → ‘тилла буюм ясовчи’, ‘жавохирсоз’, ‘жавохирфуруш’;

گندم کار، برنج کار، انگورچین *keštgar* → گندم کار *gandomkār*, بروجین *berenj kār*, انگورچین *angurčīn* ‘деҳқон’ → ‘буғдой етиштирувчи’, ‘гуруч етиштирувчи’, ‘узум терувчи’;

شیشه گر ← شیشه بر، شیشه فروش، شیشه ساز *šīšegar* → شیشه بر *šīšebor*, شیشه فروش *šīšeforūš*, شیشه ساز *šīšesāz* (23, 28) ‘шишагар’ → ‘шиша кесувчи’, ‘шиша сотувчи’, ‘шиша ясовчи’.

Диққат қилинса, муаллиф айтганидек, фақат сўз ясовчи эмас, сўз ясашиши асосида ҳам ўзгариш кўринади. Материалларимиз таҳлилида дарий тилида бундай ҳолат кузатилмади.

Хусрав Кашонийнинг ёзишича, ҳозирги кунда форс тилида мавҳум отлар, хусусан, сўз ясашиши асоси *ش -eš* суффиксли ҳаракат-ҳолат отлари (اسم مصدرى)дан گر *-gar* суффикси орқали шахс оти ясашиши сермаҳсул (23, 29). Бу тип ясалмалар, одатда, илм ва маданият соҳаларидаги шахс отларини билдиради.

Кузатишлар дарий тилида ҳам юқорида келтирилган 4- тип — асосдан англашилган ишни қилувчи шахс оти ясашиши сермаҳсуллигини кўрсатди. Масалан, дарий тили материалларида *ش -eš* суффиксли ҳаракат-ҳолат отлари билан ясалган куйидаги мисоллар қайд қилинди: آزمایشگر *âzmâyeš* ‘синов’ → آزمایشگر *âzmâyešgar* ‘синовчи’, پژوهش *pažuheš* ‘тадқиқ’ → پژوهشگر *pažuhešgar* ‘олим’, ‘тадқиқотчи’, آرایش *ârâyeš* ‘зеб бериш’ → آرایشگر *ârâyešgar* ‘пардозчи’, گزارش *gozâreš* ‘ҳисобот’; ‘шарҳ’ → گزارشگر *gozârešgar* ‘шарҳловчи’ каби.

... هر پژوهشگر در مورد داستان تعریفی آورده است و تعریف واحدی از

داستان که تمام پژوهشگران ادبی بر آن اتفاق نظر داشته باشند، تاکنون وجود ندارد

(30)

... *har pažuhešgar dar mawred-e dâstân ta ‘rif-ê owarda ast wa ta ‘rif-e wâhed-ê az dâstân ke tamâm-e pažuhešgarân-e adabi bar ân ettefâq-e nazar dâšta bâšand, tâ konun wujud nadârad*

‘Хар олим ҳикоя хусусида таъриф келтирган, аммо ҳикоянинг барча адабиётчи олимларнинг қарашлари бир хил бўлган ягона таърифи ҳозиргача мавжуд эмас’.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, дарий тилида сўз ясалиш асоси мавҳум от бўлган модель катта қисмини ташкил этади:

<b>От + -gar модели: 78 та сўз</b>	
аниқ от (туб дарий) + -gar	12
аниқ от (ўзлашма) + -gar	3 (2 [араб.], 1 [евр.])
мавҳум от (туб дарий) + -gar	42
мавҳум от (ўзлашма) + -gar	21 (20 [араб.], 1 [турк.])
<b>ХЗН + -gar модели = 4 та сўз</b>	

Сифат + -gar модели асосида 1 та сўз (روشنگر *rôšangar*) қайд қилинди. Сўз ясовчи таҳлилида айтилганидек, якка ҳодисалар тизимдан ўрин олмайди. Шунга кўра, муайян бир сўзнинг ўзига хос маъноси сўз ясалиши тизимига хос маъно бўла олмайди (қиёсланг: ўзбек тилида ‘олийгоҳ’; -гоҳ кўшимчасининг сифатга қўшилиши асоссиз, чунки -гоҳ кўшимчаси отлардан (отларнинг ҳам ҳаммасидан эмас, балки асли от бўлса ҳам, лекин мазмунида ҳаракат, ҳолат бор бўлган отлардан) от ясаган: *сайлгоҳ* — сайл бўладиган, сайл ўтказиладиган жой; *оромгоҳ* — ором олинадиган жой).

#### گار -gâr суффикси

گار -gâr//egâr суффикси ҳозирги дарий тилида маҳсулсиз. Хусрав Кашонийнинг ёзишича, گار -gâr суффиксини баъзи ҳолларда کار -kâr ва گر -gar ясовчиларининг бир тури сифатида кўрсатиш мумкин, бироқ ҳар иккисидан адабийроқдир (23, 46).

گار -gâr//egâr суффикси билан қуйидаги учта сўз ясалиш типига оид сўзлар ясалган:

1. Феъл негизига қўшилиб, асосдан англашилган ишни қилувчи шахс оти ясайди: خواستگار *xâstgâr* ‘совчи’ (خواست *xâst* — خواستن *xâstan* ‘истамок’, ‘илтимос қилмок’, ‘сўрамок’ феълининг ЎЗН), шунингдек, худонинг эпитетларидан айримлари шу қолипда ясалган: آفریدگار *âfarid(a,e)gâr* ‘яратгувчи’ (آفرید *âfarid* — آفریدن *âfaridan* ‘яратмок’, ‘бунёд қилмок’ феълининг ЎЗН), آمرزگار *âmorzgâr* ‘кечиргувчи’, ‘раҳмдил’ (آمرز *âmorz* — آمرزیدن *âmorzidan* ‘кечирмок’, ‘афв этмок’ феълининг ХЗН), پروردگار *parward(e)gâr* ‘парвардигор’ (پرورد *parward* — پروردن *parwardan* ‘тарбияламок’ феълининг ЎЗН). Масалан:

(42, 145) بود نبود، بودگار بود، زمین نبود، شدیار بود

*Bud nabud, budgâr bud, zamin nabud, šodyâr bud*

‘Бор экан, йўқ экан, парвардигор бор экан, ер йўқ экан, шудгор бўлган экан’;

(28, 86) ملک فیض الله طلبگار من شده

*Malek Fayzollâh talabgâr-e man šoda*

‘Оқсокол Файзулла менга совчи қўйди’.

2. Отларга қўшилиб, асосдан англашилган ишни қилувчи шахс оти ясайди: خدمتگار *xedmatgâr* ‘хизматкор’; ‘хизматчи’ (خدمت *xedmat* ‘хизмат’), मदدگار *madadgâr* ‘ёрдамчи’, ‘ҳомий’ (مدد *madad* ‘мадад’, ‘ёрдам’).

Баъзи ҳолларда گار -gâr суффикси билан мавҳум от ясалиши кузатилади: روزگار *rôzgâr* 1) ‘вақт’, ‘давр’, 2) ‘хаёт шароити’, ‘шароит’ (روز *rôz* ‘кун’), یادگار *yâdgâr* ‘эсдалик’ (یاد *yâd* ‘хотира’, ‘ёд’):

نه تنها در عرصه شعر و داستان که افغان های با فرهنگ در چند ده سال اخیر،  
در زمینه مطبوعات نیز الگوهای درخشانی از خود به یادگار گذاشته اند (41)  
*Na tanhâ dar 'arsa-ye še'r-o dâstân ke afgânâ-ye bâfarhang  
dar čand dah sâl-e axir, dar zamina-ye matbu'ât niz olguhâ-ye  
daraxšâni az xod ba yâdgâr gozâšta-and*

‘...зиёли афғонлар охириги ўн йилларда матбуот соҳасида  
ҳам ажойиб намуналарни ўзларидан эсдалиқ қилиб қолдирганлар’.

Шуни қайд этиш керакки, “Дари-русский словарь”да *روزگار*  
*rôzgâr* сўзининг икки маъносигина келтирилса-да, қуйидаги  
мисоллар унинг ҳозирги дарий тилида форс тилида (5, 740) қайд  
қилинган барча маъноларда қўлланилаётганини кўрсатди:

1) ‘вақт’, ‘давр’, ‘замон’ маъносида:

در آن روزگار در داخل اتحاد شوروی دگرگونیهایی بزرگی پدید آمدند ... (27)

*Dar ân rôzgâr dar dâxel-e Ettehâd-e Šôrawi degargunihâ-ye  
bozorgi padid âmadand...*

‘Ўша вақтда Совет Иттифоқида катта ўзгаришлар юз  
берди...’;

در آن روزگار ان دنیای هند را صیت نبوغ نورجهان سخت فرا گرفته بود... (18)

*Dar ân rôzgârân donyâ-ye Hend-râ sayt-e nobuğ-e Nurjahân  
saxt farâ gerefta bud...*

‘Ўша кезларда Ҳинд оламини Нуржаҳоннинг истеъдоди  
ҳақидаги шов-шув тутган эди...’.

بیلان *-i yâ-ye wahdat wa yâ-ye nakara* билан  
қўлланилганда, ‘бирор кун’, ‘бирор вақт’ маъносида:

... الکساندر پوشکین، روزگاری عاشق زنی شد بنام (گرم زینه) و... (19)

*...Aleksândar Puškin, rôzgârê âšeq-e zanê šod banâm-e  
Karamzina wa...*

‘Александр Пушкин бир куни Карамзина исмли аёлга ошиқ  
бўлди ва...’;

این لیخند، مثل لیخند دختری بود که روزگاری دوستش داشت ... (25)

*In labxand, mesl-e labxand-e doxtarê bud ke rôzgârê dôst-aš  
dâšt...*

‘Бу табассум бир вақтлар у севиб қолган қизнинг табассуми  
каби эди...’;

2) ‘тақдир’ маъносида:

او به یقین الاهی راستین عشق و محبت و تحفه روزگار بود (18)

*Ô ba yaqin elâha-ye râstin-e ešq-o-mohabbat wa tohfâ-ye rôzgâr  
bud*

‘У шубҳасиз ишқ-муҳаббатнинг ҳақиқий маъбудаси ва  
тақдир тухфаси эди’;

... به شدتی که از روزگار پیش آید نباید نالید و از فضل و رحمت آفریدگار

جل جلاله نامید نباید شد که او تعالی رحیم است (16)

*...ba šeddâtê ke az rôzgâr pêš âyad nabâyad nâlid wa az fazl-o  
rahmat-e âfaridegâr-e jalla jalâlahu nâomêd nabâyad šod ke ô taâla-  
ye rahim ast*

‘...тақдирдан келадиган синовлардан нолимоқ ва Аллоҳ  
фазлу карами ва раҳматидан ноумид бўлмоқ керак эмас, чунки у  
раҳмдил Тангридир’;

3) ‘жаҳон’, ‘олам’, ‘бутун дунё’ маъносида:

سرزمین کنونی افغانستان سرزمینی است که گهواره‌ی شعرای نامداری چون

مولوی، ناصر خسرو، امیر علی شیرنوازی و... می‌باشد و امروز نیز چکامه‌های زیبایی

شان سرآمد روزگار است (31)

*Sarzamin-e konuni-ye Afğânestân sarzaminê ast ke gahwâra-ye  
šo'arâ-ye nâmdâri čun Mawlawi, Nâser-e Xesraw, Amir-e Ališêr-e*

*Nawâi wa... mêbâšad wa emrôz niz čakâmahâ-ye zêbâyeshân sarâmad-e rozgâr ast*

‘Бугунги Афғонистон диёри Мавлавий, Носир Хисрав, Амир Алишер Навоий ва ...каби машхур шоирларнинг бешиги саналган ўлкаки, бугун ҳам уларнинг гўзал назмлари жаҳоннинг шох асарлари ҳисобланади’;

4) ‘шароит’, ‘аҳвол’ маъносида:

این آرزوهای نیک، بدون حضور ارزشهای متعالی حقوق بشر در هر لایه‌ی از زندگی و روزگار ما، ناممکن است (17)

*In ârezôhâ-ye nêk, bêdun-e hozur-e arzešhâ-ye motâli-ye hoqiq-e bašar dar har lâya-yê az zendagi wa rôzgâr-e mâ, nâtomken ast*

‘Бу эзгу орзулар инсон ҳуқуқларининг юксак қийматисиз бизнинг турмуш ва шарт-шароитларимиз замирида мумкин эмас’;  
گفتند روزگار دگر می شود ، نشد (12)

*Goftand rôzgâr degar mêšawad, našod*

‘Дедилар: ҳаёт (турмуш тарзи) ўзгаради, бўлмади’.

Юқорида келтирилган таҳлил дарий тили луғатларини қайта тузиш долзарб вазифа эканлигини кўрсатади.

**кар -kâr суффикси**

кар -kâr суффикси нарса-буюм оти, мавхум от, ҳаракат-ҳолат оти, сифат ва феъл негизларига кўшилиб, шахс оти ясайди. Баъзан сифат (асосдан англашилган маъно билан боғлиқ ҳолда шахснинг белги-хусусиятини ифодалаш орқали) ва нарса-буюм оти ҳам ясайди:

1. Асосдан англашилган нарсага оид иш билан шуғулланадиган шахсни билдиради: گلکار *gelkâr* ‘ғишт терувчи уста’; ‘сувоқчи’ (گل *gel* ‘лой’, ‘гил’, ‘тупроқ’), آتشکار *âteškâr* ‘ўт ёқувчи’, ‘печка ёқувчи’ (آتش *âteš* ‘олов’, ‘ўт’, ‘гулхан’), خواجه کار *xawâzakâr* ‘хавозачи’ (خواجه *xawâza* ‘хавоза’).

... بر گل کار ها و مزدورکار ها که مشغول ترمیم شکست و ریخت پیاده خانه ها

می باشند، فی می گیرد (35, 1/232)

*...bar gelkârâ wa mozdurkârâ ke mašğul-e tarmim-e šekast-o rêxt-e piyâdaxânahâ mêbâšand, fi mêgirad*

‘... қоровулхонанинг ёрилган-тўкилганини тузатаётган сувоқчилар ва мардикорлардан айб қидиради’.

2. Асосдан англашилган ишни қилувчи шахс оти ясайди: ولدنگکار *weldengkâr* ‘сваркачи’, ‘пайвандловчи’ (ولدنگ *weldeng* ‘сварка (қилиш)’; ‘пайванд’), کاندکار *kandakâr* ‘ўймакор уста’; ‘наққош’ (کندہ *kandâ* ‘ўйилган’ — کندن *kandan* ‘қазимок’, ‘ўймоқ’ феълининг ЎЗС).

قوماندان عبدالواحد تخنيک کار قوی بود (20, 44)

*Qumândân Abdolwâhed taxnikkâr-e qawi bud*

‘Қўмондон Абдулвоҳид кучли техник эди’;

دو خانواده دیگر هم بود، علی بوت دوز و رضای بیسته کار (33, 130)

*Do xânawâda-ye digar ham bud, Ali-ye butdôz wa Rezâ-ye*

*bastakâr*

‘Яна иккита оила ҳам бор эди, Али кафшдўз ва Резо арматурачи (слесарь)’.

3. Асосдан англашилган турли меҳнат қуроли отларидан шу предмет билан иш кўрувчи шахс отлари ясайди: بarmakâr ‘пармаловчи’, ‘бурғиловчи ишчи’ (برمه *barma* ‘дрель’, ‘парма’), ماشين *mâšinkâr* 1) ‘механик’, 2) ‘машинист’, ‘моторист’ (ماشين *mâšin* 1) ‘машина’, механизм, 2) двигатель, мотор, 3) дастгоҳ), فریزکار *ferêzkâr* ‘фрезерчи’ (فریز *ferêz* ‘фреза’ (металлга ишлов

берадиган айланма барабанли машина)), چچكار *čajkâr* ‘дон совурувчи’ (چچ *čaj* ‘донни шопириб тозалаш учун махсус тўқилган нов’).

خركار *xarkâr* ‘эшакда юк ташувчи’ каби ясалмалар бу сўз ясалиш маъносининг аввалдан мавжуд бўлганлигини кўрсатади.

4. Шахснинг ясовчи асосдан англашилган мазмундаги иш-ҳаракат, фаолиятга эгалигини ифодалайди: جنایتكار *jenâyatkar* ‘жиноятчи’ (جنایت *jenâyat* ‘жиноят’), محافظه كار *mohâfezakâr* ‘консерватор’ (محافظة *mohâfeza* ‘қўриклаш’, ‘химоя’).

كمال الدين بهزاد، نقاش معروف،

صنعت كار بزرگ، مانند آفتاب درخشان، از مشرق آمال و آرزوهای هنر هرات سر کشیده (34, 82)

*Kamâleddin Behzâd, naqqâš-e ma‘ruf, san‘atkâr-e bozorg, mânanand-e âftâb-e daraxšân, az mašreq-e âmâl wa ârezôhâ-ye honar-e Herât sar kašida*

‘Камолиддин Бехзод, машхур рассом, улуғ санъат арбоби, мисли порлоқ қуёш Ҳирот санъатининг орзу-умидлари Шарқидан бош кўтарган’.

5. Шахснинг касб-хунарини билдирмайдиган айрим шахс отлари маъносини конкретлаштириш учун хизмат қилади: استاکار *ostâkâr* 1) ‘уста’ (бирор касб-хунар устози), 2) ‘бинокор ишчи’ (استا *ostâ* ‘устоз’), سواركار *sowârkâr* ‘моҳир чавандоз’, ‘жокей’ (سوار *sowâr* ‘отлик’, ‘чавандоз’).

Шунингдек, ортикчалик (плеоназм) ҳодисаси кузатилади. Мазкур ҳолатни ҳам шахс отлари маъносини конкретлаштириш учун қўлланилган, дейиш мумкин. Масалан, مزدور *mazdur*, *mozdur* ‘ёлланма ишчи’, ‘мардикор’ сўзи مزدوركار *mozdurkâr* шаклида, دهقان *dehqân* ‘деҳқон’ сўзи دهقانكار *dehqânkar* шаклида ишлатилган:

آن ها می گفتند مزدوركار روی هر زمین که کار کند مالک آن زمین است (20,

155)

*Ânhâ mêgoftand mozdurkâr-e rô-ye har zamin ke kâr konad mâlek-e ân zamin ast*

‘Улар дердилар: “Ерга ишлов бераётган мардикор ўша ернинг эгасидир”’;

به مزدوركارانی نیاز داریم که با ما کار کنند (29, 264)

*Ba mozdurkârân-ê niyâz dârêm ke bâ mâ kâr konand*

‘Биз билан ишлайдиган мардикорларга эҳтиёжимиз бор’;

مردم دهقانكار به شهر و خانه خود

می آمدند، از همان مهمانی و گشتک بر گزار می شد (22, 483)

*Mardom-e dehqânkâr ba šahr wa xâna-ye xod mêâmadand, az hatân mehmâni wa gaštak bar gozâr mêšod*

‘Деҳқонлар шаҳарга ва уйларига қайтардилар, ўша кундан меҳмондорчилик ва базм бўларди’;

همگی گفتند که هیچ کاره ایم و ما مردم دهقانكاریم (20, 254)

*Hamagi goftand ke hêçkâra-êm wa mâ mardom-e dehqânkârêm*

‘Ҳамма деди: “Ҳеч нарсага ярамаймиз, биз деҳқон аҳлимиз”’.

Хусрав Кашоний كار *-kâr* суффикси билан боғлиқ асосий қийинчилик, унинг иштирокидаги шахс отлари маъносининг умумий характерда бўлиши (махсус соҳа вакиллари эмас), улар маъносини конкретлаштириш учун изоҳлаш зарурлигини айтади, масалан:

برقكار اتومبيل *barqkâr-e otomobil* ‘автоэлектрик’;

برقكار صنعتی *barqkâr-e san‘ati* ‘саноат электриги’;

جوشكار لوله *juškâr-e lule* ‘труба пайвандловчиси’;

جوشكار الومنييم *juškār-e aluminum* ‘алюминий пайвандловчиси’;  
رنگ کار ساختمان *rangkār-e sâxtemân* ‘курилиш бӯёқчиси’,  
رنگ کار اتومبیل *rangkār-e otomobil* ‘автомобиль бӯёқчиси’ (23,  
29).

Дарий тили материалларида ҳам шундай ходиса кузатилди:  
این مراجعین نجار، گل کار، حجار،

نل دوان، برقی، ترمیم کار موتر... مأمورین متقاعد و مبتدی هستند (40, 1/64)

*In morâje ‘in najjâr, gelkâr, hajjâr, naldawân, barqi, tarmîmkâr-  
e motar... ta ‘murin-e motaqâ ‘ed wa mobtadi hasted*

‘Бу мижозлар дурадгор, сангтарош, сувоқчи, труба ўрнатадиган ишчи (сантехник), электрик (электромонтёр), авторемонтчи... нафақадаги ва янги келган хизматчилардир’.

Таржимада икки хил маънода берилётган касб-кор эгалари номи луғатда ҳам шундай қайд қилинган. Бу эса, албатта, аниқлик киритишни тақозо қилади.

Таҳлиллардан кўринадики, ҳозирги дарий тилида *-kâr* суффикси иштирокида аниқ от (ўз ва ўзлашмалигидан қатъи назар) ва араб тилидан ўзлашган мавҳум отлардан сўз ясалиши маҳсулдор (*-gar* суффикси иштирокида асосан мавҳум отлардан сўз ясалади):

<b>От + <i>-kâr</i> модели = 66 та сўз</b>	
аниқ от (туб дарий) + <i>-kâr</i>	<b>20</b>
аниқ от (ўзлашма) + <i>-kâr</i>	<b>18</b> (3 [араб.], 15 [евр.])
мавҳум от (туб дарий) + <i>-kâr</i>	<b>5</b>
мавҳум от (ўзлашма) + <i>-kâr</i>	<b>23</b> [араб.]
<b>Сифат + <i>-kâr</i> модели = 18 та сўз (16 [дарий], 2 [араб.])</b>	
<b>ЎЗС + <i>-kâr</i> модели = 4 та сўз</b>	
<b>ҲЗН + <i>-kâr</i> модели = 3 та сўз</b>	

Т.Д. Чхеидзенинг ёзишича, *-gar* суффикси иштирокидаги ясама сўзлар шахсларни асосан меҳнат фаолиятига кўра тавсифлайди. *گار -gâr, کار -kâr* суффикслари кўпинча шахс характерини билдиради, уларнинг аксарияти сифат маъносини касб этади (8, 22). Таъкидлаш лозимки, луғатларда *کار kâr* ‘иш’ сўзи ‘бирор нарсани бажарувчи’, ‘бирор нарса билан шуғулланувчи’ маъносига қўшма сўзнинг иккинчи таркибий қисми сифатида қайд қилинади ва мисол тариқасида *گناهكار gonâhkâr* ‘гуноҳкор’, *جنايتكار jenâyatkâr* ‘жиноятчи’, *ورزشكار warzeškâr* ‘спортчи’, *خدمتكار xedmatkâr* ‘хизматкор’ сўзлари келтирилади (2, 571; 5, 287). Манбаларда ҳозирги форс, дарий ва тожик тилларидаги *gonâhkâr* ‘гуноҳкор’ сўзининг келиб чиқиши классик форс: *gunâhgâr* < ўрта форс: *vinâhgâr*, бошланғич шакли: *vinâsgâr* (wn’sk’l, моний ёзувидаги матнларда: wn’hg’r) тарзида схематик кўрсатилган (3, 213; 4, 72). Демак, *gonâhkâr* сўзини янги форс тили даврида қайта ҳосил қилинган вариант дейишга тўла асос бор. *فراموشكار farâmôškâr* ‘хотираси паст’; ‘паришонхотир’, *فداكار fedâkâr* ‘фидокор’ *برمه کار barmakâr* ‘пармаловчи’, ‘бурғиловчи ишчи’, сўзларида *-kâr* нинг мутлақо суффикслиги, *خام کار xâmkâr* ‘тажрибасиз’, ‘малакасиз’, *تازه کار tâzakâr* ‘янги (келган) одам’, ‘тажрибасиз’ сўзларида *uu* сўзига алоқадорлиги сезилиб туради. Шу ўринда бундай ясама сўзларни *کار kâr* ‘иш’ лексик морфемаси билан ясалган қўшма сўз ва *کاشتن kâštan* ‘экмоқ’ феълининг ҲЗН *کار -kâr* орқали ясалган яримаффиксация усули ҳосилаларидан фарқлаш зарур: *شاه کار šâhkâr* ‘шоҳ асар’ (қўшма сўз — композиция усули), *نرخ کار nerx(e)kâr* ‘ишчи кучи тарифи’;

‘нарх’, ‘баҳо’, ‘ҳақ’ (қўшма сўз — лексикализация усули), *پخته کار* *pahtakâr* ‘пахтакор’ (композицид — яримаффиксация усули). *کوموشدان وشلو بريلگان* ‘кумушдан ишлов берилган’, ‘кумуш нақшли’ каби предмет белгисини билдирувчи ясалмаларни қўшма сўз ёки ясама сўзга гуруҳлаш, қайси сўз ясаш усули ҳосиласи эканлигини белгилаш бирмунча қийин (М. Муиннинг «فرهنگ فارسی» луғатида *کاشی کار* сўзининг 1) *کوшин, кафель терувчи* ва 2) *کوшин қоплаб безатилган, кошинкор* маънолари қайд қилинади (معين محمد. فرهنگ). *کار* (فارسی). جلد 2. -تهران: آدنا: كتاب راه نو، 1381. — ص. 1307). *کار* суффикси орқали белгининг ифодаланиши *کار* сўзини изоҳлашга ёрдам беради). Луғатларда келтирилган *گلکار* *golkâr* 1) ‘гулчи’ ва 2) ‘наққош’ (гул (расм) солиб безаш устаси) (2, 609) каби икки маънога эга ясалмалар аслида омонимлар бўлиб, турли сўз ясаш усули ҳосилаларидир: 1) ‘гулчи’ — *گل* *gol* + *کار* *-kâr* (*کاشتن* *kâstan* ‘эқмок’ феълининг ХЗН) — яримаффиксация усули; 2) ‘наққош’ — *گل* *gol* + *کار* *-kâr* суффикси — аффиксация усули. Буни *گل کاشتن* *gol kâstan* (*gol kâridan*) ‘гул эқмок’ ва *گل کردن* (گل ساختن), *گل کردن* (*گل ساختن*), *گل کردن* (*گل ساختن*) ‘гул яратмок’ феъллари билан изоҳлаш мумкин (39, 1486).

Юкорида кўрсатилган тафовутларга қарамай, *گر* *-gar* ва *گار* *-gâr*, *گر* *-gar* ва *کار* *-kâr*, *گار* *-gâr* ва *کار* *-kâr* суффиксларининг параллел қўлланиш ҳолати учрайди: *ستمگار* *setamgar* = *ستمگار* *setamgâr* ‘золим’, ‘ситамгар’, *فریبگار* *ferêbgâr* = *فریبگار* *ferêbkâr* ‘фирибгар’, ‘ёлғончи’, *خدمتگار* *xedmatgâr* = *خدمتگار* *xedmatkâr* ‘хизматкор’, ‘хизматчи’, *تجاوزگار* *tajâwozgâr* = *تجاوزگار* *tajâwozkâr* ‘тажовузкор’, ‘босқинчи’. Баъзан дарийча ва форсча луғатларда бир сўз ясашиш асоси орқали ясалган турли вариантлар кузатилади: *اغماض گر* *eğmâzgar* (дарий тилида) = *اغماض کار* *eğmâzkâr* (форс тилида) ‘кўнчилчан’, ‘ножўя ишларга бепарво’, *پرهیزگار* *par(h)êzgâr* (дарий тилида) = *پرهیزکار* *par(h)êzkâr* (форс тилида) 1) ‘ўзини (нафсини) тийган’, 2) ‘зоҳидона ҳаёт кечирувчи’, 3) ‘тақводор’. Шунингдек, улар иштирокида турли маъно ифодаланиши ҳам мумкин: *کاشیگر* *kâšigar* ‘кошин’, ‘кафель ишлаб чиқарувчи’, бироқ *کاشی کار* *kâšikâr* ‘кошин’, ‘кафель терувчи (кошинкор)’ (8, 22).

Бир типдаги сўзларни ясаш учун бирдан ортик сўз ясовчининг бўлиши уларнинг қўлланилиши (сўз ясаши)да чекланиш бўлишига олиб келади. Чунки уларнинг ҳар бири ўзига хос белгига эга ва бирининг ўрнида иккинчисини қўллаш мумкин бўлавермайди.

Шахс оти ясовчи суффиксларнинг ҳам сўз ясаш имконияти турлича. Сўз ясашдаги чекланганлик-чекланмаганлик қуйидаги омиллар билан боғлиқ: 1) сўз ясашиш асосининг хусусияти билан; 2) сўз ясовчининг хусусияти билан; 3) объектив ҳолат билан (9, 92-101). Масалан, шахс оти ясовчи энг маҳсулдор *گر* *-gar* суффикси *سرنی چی* *toromči* ‘горнчи’, *تنبور چی* *tambur(a)či* ‘танбурчи’, *سورنا چی* *sornayči* ‘сурнайчи’, *طبل چی* *tabl(a)či* ‘барабанчи’, *ویلون چی* *wailonči* ‘скрипкачи’, *تالچی* *tâlči* ‘толчи’ (*تال* *tâl* ‘тол (музыка асбоби)’ типдаги сўз ясамайди. Музыка асбобини англаувчи лексемаларга қўшилиб, улар воситасида иш кўрувчи шахс оти ясаш *چی* *-či* суффиксига хос. Ўз навбатида асосдан англашилган нарсадан бирор буюм ясовчи шахсни билдиришда *گر* *-gar* суффикси ишлатилади: *آهنگر* *âhangar* ‘темирчи’, *چرمگر* *čarmgar* ‘кўнчи’, *زرگر* *zargar* ‘заргар’.

Хуллас, сўз ясашиш асоси ва сўз ясовчига хос хусусиятларнинг ўзи муайян сўз билан сўз ясовчини бириктириб, сўз яшаш имкониятини чеклаб қўяди.

Булардан ташқари, бирор сўзда ва сўз ясовчида уларни бириктириб сўз ҳосил қилиш имконияти мавжуд бўлгани ҳолда, маълум бир объектив ҳолат бунга йўл қўймайди.

**Хулоса.** Ҳар қандай сермахсул сўз ясовчининг имкониятида турли сабаблар билан боғлиқ чекланишлар бор. Дарий тилида шахс оти ясашишида қуйидагича ҳолат аниқланди:

**گر -gar, گار -gâr, کار -kâr** суффикслари этимологик жиҳатдан бир бўлса-да, ҳозирги дарий тили сўз ясашишида махсулдорлик даражаси ҳар хил ва уларнинг ишлатилишида айрим фарқлар кузатилади.

Шахс отларининг маъно таркибида “машғулот” семаси бўлади. **گر -gar** сўз ясовчиси бундай семага эга эмас, у **گر -gar** суффикси қўшиладиган сўзга, яъни сўз ясашиш асосига оид бўлади. Шунинг учун **گر -gar** суффикси ёрдамида шахс отларининг қандай типлари ясашиши уларнинг қандай лексик-семантик гуруҳга оид сўзлардан ясашишига боғлиқ. **گر -gar** суффикси уларнинг ҳаммасида “шахс” маъноси билан қатнашади.

**گر -gar** суффикси билан шахс оти ясашишининг 8 та типни аниқланди. Булар ичида 4-тип — асосдан англашилган ишни қилувчи шахс оти ясашиши сермахсуллиги белгиланди: ясама сўзлар, одатда, илм-маданият соҳасидаги шахс отларини билдиради. Мазкур типда **گر -gar** суффикси билан мавҳум отлардан, айниқса, **ش -eš** суффикси орқали ясалган ҳолат-ҳаракат отларидан шахс отлари ясашиши юқори.

Туб шахс отини билдирувчи ўзлашма сўзлар ва шу сўзлардан **گر -gar** суффикси орқали ясалган шахс отларининг параллел ишлатилиши — тилда ортикчалик (плеоназм) ходисаси кузатилади. Баъзи ясама сўзларда ортикчалик эмас, янги маъно ясалмоқда. Шунингдек, луғатларда қайд этилмаган янги ясама сўзларнинг кузатилиши дарий тилининг ҳозирги тараққиётида **گر -gar** суффиксининг сермахсул ясовчи эканлигини кўрсатади. **گر -gar** сўз ясовчиси уларнинг ҳаммасида шахс маъносини билдиради, шахс маъноли от ясайди. Буларда **گر -gar** суффиксининг сўз яшаш имкониятидан тўғри ва ўринли фойдаланилган. Бироқ унинг иштирокида асосан мавҳум отлардан сўз ясалаётгани (81%) сўз ясашиш асоси билан боғлиқ чекланишни кўрсатади.

Дарий тилининг кейинги тараққиётида касб-хунарни билдирувчи шахс отлари **کار -kâr** суффикси орқали ясалмоқда. Бу, бир томондан, унинг валентлик даражаси (сўз ясашиш асоси вазифасида аниқ ва мавҳум от, сифат, сифатдош кела олади), иккинчи томондан, **کار kâr** ‘иш’ сўзига омонимлиги билан изоҳланади. **کار -kâr** суффикси билан шахс оти ясашишининг 5 та типни маълум. **کار -kâr** суффикси **گر -gar** га нисбатан универсал ясовчи: шахсларни нафақат меҳнат фаолиятига кўра тавсифлайди, балки асосдан англашилган турли меҳнат куроли отларидан шу предмет билан иш кўрувчи шахс отлари ясайди (**گر -gar** иштирокида бундай сўз ясашиш типни махсулсиз).

**کار -kâr** суффикси билан асосдан англашилган маъно билан боғлиқ ҳолда шахснинг белги-хусусиятини ифодаловчи сифат (6-тип) ҳам ясалади.

**کار -kâr** суффиксининг асосан аниқ ва араб тилидан ўзлашган мавҳум отлар билан сўз ясаши махсулдор.



گار *-gâr//egâr* суффикси маҳсулсиз, у билан шахс оти ясалишининг 2 та типи маълум. Унинг иштирокида шахс ёки нарса-предметнинг асосдан англашилган нарсага эгалиги, унда шундай нарса борлиги билан боғлиқ бўлган белгисини билдирувчи сифатлар (3- тип) ҳам ясалади; сўз ясалиш асоси феъл негизи бўлганда, баъзан сифатдош маъносини касб этади. Материаллар таҳлилида жами 15 та ясама сўз қайд этилди. Сўз ясалиш маъносининг бошқа воситалар билан ифодаланиш имконияти, бир типдаги сўзларни яшаш учун *-kâr* ва *-gar* суффиксларининг ҳам қўлланилиши *-gâr//egâr* орқали сўз ясалишида чекланиш бўлишига олиб келади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдиев М. Ўзбек тилида шахс номларининг аффиксал усул билан ясалиши. — Тошкент, 1991. — 59 б.
2. Киселева Л.Н., Миколайчик В.И. Дари-русский словарь. 2-е изд., стереотип., с Приложением новых слов. — М.: Русский язык, 1986. — 752 с.
3. Основы иранского языкознания. Новоиранские языки: западная группа, прикаспийские языки. — М.: Наука, 1982. — 212 с.
4. Основы иранского языкознания. Среднеиранские языки. — М.: Наука, 1981. — 72 с.
5. Персидско-русский словарь: В 2-х т. — М.: Русский язык, 1985. Т.1. — 800 с.
6. Потеня А.А. Из записок по русской грамматике. Т.1-2. — М., 1958. — 56 с.
7. Холиёров М. От негизларидан сўз ясовчи аффикслар ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. — Тошкент, 1972. — № 5. — Б. 39-41.
8. Чхеидзе Т.Д. Именное словообразование в персидском языке. — Тбилиси: Мецниереба, 1969. — 141 с.
9. Ҳожиев А. Сўз ясалишдаги маҳсулли-маҳсулсизлик ҳодисаси ва сўз ясалиш имконияти ҳақида // Тилшунослик ва адабиётшунослик масалалари. — Андижон, 2002. — Б. 92-101.
10. Ҳожиев А. Ўзбек тили сўз ясалиши тизими. — Тошкент: Ўқитувчи, 2007. — 110 б.
11. اسدالله حبيب. واژه گزینی و واژه سازی در شعرو نثر بیدل / <http://www.afghanasamai.com>
12. اسدالله حبيب. شماری جاذبه های موسیقایی و سورریالیزم در شعرا میر خسرو دهلوی / شماره سوم سال دهم حمل 1391 / اپریل 2012 / [http://www.kotiposti.net/msaleha/nai\\_10/sh\\_3/p\\_10.html](http://www.kotiposti.net/msaleha/nai_10/sh_3/p_10.html)
13. افغانی نویس عبدالله. افغان قاموس، جلد 1. — کابل، 1957. — ص. 25.
14. افغانی نویس عبدالله. افغان قاموس، جلد 2. — کابل، 1957. — ص. 361.
15. افغانی نویس عبدالله. افغان قاموس، جلد 3. — کابل، 1958. — ص. 508.
16. بخش ۸۴ - ادامه حکایت گرمایه و گرمایجان // سفرنامه ناصر خسرو بلخی. [www.ruvr.ru](http://www.ruvr.ru) (04.12.2008) // حقوق بشر
17. پاپان زندگی نورجهان // از داستانهای تاریخی ادبیات کهن افغانستان // P30World Forums.htm
18. پیمان ملی - رهنورد زریاب در همایش کتاب سعدی در کابل. [www.ruvr.ru](http://www.ruvr.ru) (04.12.2008) // حقوق بشر
19. تاریخ شفاهی افغانستان. تهیه و تدوین ملیحه ذوالفقار. — کابل: عازم، ۱۳۹۰ش. — صص ۴۴، ۲۵۴، ۱۵۵.
20. تلاش محمدی برای معرفی ادبیات داستانی افغانستان کارشناسانه است // آتی بان.htm
21. جمشید شعله. جهاد ملت بخارا و حوادث لقی در شمال هندوکش. به کوشش جمрад جمشید. — تهران: ناصح، ۱۳۷۹ش. — صص ۴۵۶، ۴۵۹، ۴۸۳.
22. خسرو کشانی. اشتقاق پسوندی در زبان فارسی امروز. — تهران، ۱۳۸۱. — ص. ۲۸.
23. درباره مطلب «الضدان لایجتماعان» از رهنورد زریاب // پیام زن، 45، مارچ، 1997.
24. رهنورد زریاب. زیبای زیر خاک خفته. — تهران: سوره مهر، ۱۳۸۷ش.
25. زبان دری از دیدگاه شاعران // تاریخ مختصر ادبیات افغانستان. — ۲۷/دی/۱۳۸۷/2008
26. سالار عزیزپور. سیوژمی زریاب چراغدار متعهد ادبیات داستانی و نویسنده «دشت قابیل». [www.ruvr.ru](http://www.ruvr.ru)

28. سالم سابق. دشت های طوفانی (رمان). - کابل: اتحادیه نویسندگان ج.د.ا، ۱۳۶۵ش. - ص ۸۶، ۱۱۰.
29. سید اسحاق شجاعی. میراث شهرزاد در افغانستان. - تهران: عرفان، ۱۳۸۳ش. - ص ۲۶۴.
30. فرخنده رحیمی. ادبیات داستانی بانوان در افغانستان // [دروازه کابل](#) عقرب/ قوس ۱۳۸۹ خورشیدی نومبر ۲۰۱۰
31. کتاب بیست - بیست های ادبیات افغانستان / <http://www.khane-adiabat.com>
32. کلیات صوفی عشق‌ری. به اهتمام عبدالحمید وهاب زاده. - تهران: علوی، ۱۳۷۷ش. - صص ۱۲۵، ۱۳۱، ۲۵۶.
33. گل احمد نظری آریانا. خفاشان. به اهتمام ه.بت. فطروس. - کابل: اتحادیه نویسندگان ج.د.ا، ۱۳۶۵ش. - صص ۱۱، ۲۵، ۱۳۰.
34. محمد افضل بنووال. مکتب بهزاد. - کابل: دانشگاه کابل، ۱۳۵۹ش. - صص ۸۲.
35. محمد اکرم عثمان. کوچه ما. - تهران: عرفان، ۱۳۸۸ش (۲ جلد). - صص ۲۳۲/۱، ۲۷۹، ۲۸۰/۱، ۲۹۱/۱، ۴۷۳/۱، ۸۴/۲.
36. محمد نعیم نظری. [روشنگری، محور اصلی کار «آسمایی»](#). گفت و شنود ویژه با مسوول سایت آسمایی // 2008. 11. 23
37. مرای مرچ. ترجمه جلال الدین نورانی و دیگران. - کابل: امیری، ۱۳۸۹ش. - صص ۱۸۳.
38. معین محمد. فرهنگ فارسی. جلد ۱. - تهران: آدنا: کتاب راه نو، ۱۳۸۱. - صص 568.
39. معین محمد. فرهنگ فارسی. جلد ۲. - تهران: آدنا: کتاب راه نو، ۱۳۸۱. - صص 1486.
40. میرغلام محمد غبار. افغانستان در مسیر تاریخ. - تهران: عرفان، ۱۳۹۰ش. - صص ۱/۶۴، ۲/۹۰.
41. ناشران افغان در ایران // 2006 JadidOnline.com
42. نعمت حسینی. سیما ها و آواها. - کابل: وزارت اطلاعات و کلتور ج.د.ا، ۱۳۶۷ش. - صص ۴۵، ۳۱۳، ۴۹۹.

#### References

1. Abdiev M. *O'zbek tilida shaxs nomlarining affiksial usul bilan yasalishi* (Affixal word formation of personal names in Uzbek language), Tashkent, 1991, p.59.
2. Kiselyeva L.N., Mikolaychik V.I. *Dari-russkiy slovar'* (Dari-Russian dictionary), Moscow: Russkiy yazyk, 1986, 116 p.
3. *Osnovy iranskogo yazykoznaniiya. Novoiranskiye yazyki: zapadnaya grupp, prikaspiyskiye yazyki* (Basics of Iranian linguistics. New Iranian languages: Western group, Caspian languages), Moscow: Nauka Publ., 1982, 212 p.
4. *Osnovy iranskogo yazykoznaniiya. Sredneiranskiye yazyki* (Basics of Iranian linguistics. Central Iranian languages), Moscow: Nauka Publ., 1981, 72 p.
5. *Persidsko-russkiy slovar'* (Persian-Russian dictionary), In two volumes, Moscow: Russkiy yazyk Publ, 1985, 208 p.
6. Potebnya A.A. *Iz zapisok po russkoy grammatike* (From notes on Russian grammar), In two volumes. Moscow: Nauka Publ, 1958, p.56.
7. Xoliyorov M. *Uzbek language and literature*, Tashkent, 1972, No. 5, pp. 39-41.
8. Chxeidze T.D. *Imennoye slovoobrazovaniye v persidskom yazyke* (Nominal word-formation in Persian), Tbilisi: Metsniyereba Publ, 1969, 141 p.
9. Khojiev A. *Tilshunoslik va adabiyotshunoslik masalalari*. Andijan, 2002, pp.92-101.
10. Khojiev A. *O'zbek tili so'z yasalish tizimi* (O'zbek language word-building system), Tashkent: O'qituvchi, 1991, 110 p.
11. Asadollaa Habib. *Waazhagozini wa waazhasaazi dar she'r wa nasr-e Beedel*, available at: <http://www.afghanasamai.com>
12. Asadollaa Habib. *Shomaari-ye jaazebahaa-ye musiqayyi wa surryaalizm dar she'r-e Amir Xosraw Dehlawi*, available at: [http://www.kotiposti.net/msaleha/nai\\_10/sh\\_3/p\\_10.html](http://www.kotiposti.net/msaleha/nai_10/sh_3/p_10.html)
13. Afghaaninawis Abdollah. *Afghaan Qaamus*, jeld-e 1. Kaabol, 1957, 25 p.
14. Afghaaninawis Abdollah. *Afghaan Qaamus*, jeld-e 2. Kaabol, 1957, 361 p.
15. Afghaaninawis Abdollah. *Afghaan Qaamus*, jeld-e 3. Kaabol, 1958, 508 p.

16. Baxsh-e 84 - Edaama-ye hekaayat-e garmaaba wa garmaababaan// Safarnaama-ye Naaser Xosraw-e Balkhi.htm
17. Ba monaasebat-e shastomin saalgard-e 'elaamiya-ye jahaani-ye hoquq-e bashar// www.ruvr.ru (04.12.2008)
18. Paayaan-e zendagi-ye Nurjahaan// Az daastanhaa-ye taarikh-ye adabiyat-e kohan-e Afghaanestaan // P30World Forums.htm
19. Paymaan-e melli - Rahnaward Zaryaab dar hamaayesh-e ketaab-e Sa'di dar Kaabol.htm
20. Taarix-e shefaahi-ye Afghaanestaan. Tahiya wa tadwin Maliha-ye Zolfeqaar. Kaabol, Aazem, 1390 sh., pp. 44, 155, 254.
21. Talaash-e Mohammadi baraaye mo'arrefi-ye adabiyat-e daastaani-ye Afghaanestaan kaarshenaasaana ast// Aatibaan/htm
22. Jamshid Sho'la. Jehaad-e mellat-e Boxaaraa wa hawaades-e laqee dar shemaal-e Hendukosh. Ba koshehsh-e Jomoraad Jamshid. Tehraan, Naaseh, 1379 sh. – S.456, 459, 483.
23. Khosrow Keshani. Eshteqaq-e paswandi dar zabaan-e faars-ye emruz (The derivation in Persian contemporain). Tehraan, 1381, 28 p.
24. Dar baaraye matlab-e "Al-zeddin laejtema'an" az Rahnaward Zaryaab// Payaam-e zan, 45, Maarch, 1997.
25. Rahnaward Zaryaab. Zebaa-ye zeer-e xâk-e xofta. Tehraan, Sura-ye mehr, 1387 sh.
26. Zabaan-e dari az didgaah-e shaa'eraan // Taarix-e moxtasar-e adabiyat-e Afghaanestaan, 27/day/1387/2008
27. Saalaar Azizpur. Sopozhmay Zaryaab charaaghdaar-e motaahhed-e adabiyat-e daastaani wa nawisenda-ye "Dasht-e Qabil".htm
28. Saalem Saayeq. Dashthaa-ye tufaani (romaan). Kaabol, Ettehaadiya-ye nawisendagaan-e JDA, 1365 sh, pp. 76, 110.
29. Sayyid Es'haq Shojaayi. Miraas-e shahrzaad dar Afghaanestaan, Tehraan, Erfaan, 1383 sh., 264 p.
30. Farxonda Rahimi. Adabiyat-e daastaani-ye baanowaan dar Afghaanestaan // Darwaaza-ye Kaabol, aqrab /qaws 1389 xorsheedi, nowambar 2010.
31. Ketaab-e beest - Posthaa-ye adabiyat-e Afghaanestaan, available at: <http://www.khane-adabiat.com>
32. Kolliyat-e sufi-ye Ashqari, Tehraan, Alawi, 1377 sh., S. 125, 131, 256.
33. Golahmad Nazari Aaryaanaa. Khafashaan. Kaabol, Ettehaadiya-ye nawisendagaan-e JDA, 1365 sh, pp. 11, 25, 130.
34. Mohammad Afzal Banuwaal. Maktab-e Behzaad. Kaabol, Daaneshgaah-e Kaabol, 1359 sh., 82 p.
35. Mohammad Akram Osmaan. Koocha-ye maa. Tehraan, Erfaan, 1388 sh. (2 jeld)
36. Mohammad Na'im Nazari. Rooshangari, mehwar-e asli-ye kaar-e "Aasmaayi"//23.11.2008
37. Morabba-ye morch. Kaabol, Amiri, 1389 sh., 183 p.
38. Mo'in Mohammad. Farhang-e faarsi. Jeld-e 1. Tehraan, Aadnaa, 1381 sh., 568 p.
39. Mo'in Mohammad. Farhang-e faarsi. Jeld-e 2. Tehraan, Aadnaa, 1381 sh., 1486 p.
40. Mir Gholaam Mohammad Ghobaar. Afghaanestaan dar masir-e taarikh. Tehraan, Erfaan, 1390 sh., pp. 43, 190.
41. Naasheraan-e afghan dar Iraan, 2006 JadidOnline.com
42. Ne'mat Hosayni. Simaahaa wa aawaahaa. Kaabol, Wazaarat-e ettelaa'at wa kultur JDA, 1367 sh, pp. 145, 313, 499.